



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o'g'li O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO'LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA'MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
4. Шукурова Малика Шахобидинова ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
5. Umarov Abbosjon Asliddin o'g'li SUG'URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG'URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich YEVRONA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN'IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
10. Баракаев Лазизжон Отакулович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	93
11. Имомназаров Алишер Хасанович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113




12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич,
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: gaybullaev1983@bk.ru

**СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:
ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

For citation: Gaibullaev Farrukh Yuldashevich. PUBLIC OVERSIGHT OF THE JUDICIARY: CURRENT STATE, ANALYSIS, INTERNATIONAL EXPERIENCE, AND PROSPECTS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353172>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада суд ҳокимиятининг очиклиги, жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни, бу борада қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари таҳлили, суд ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари, жамоатчилик назоратини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлили, ундаги мавжуд камчиликлар, ривожланган хорижий давлатларда суд ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари таҳлили, бу жараёнларга ахборот технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этилиши, жамоатчилик назоратининг судлар мустақиллигини таъминлашдаги ижобий ва салбий ҳолатлари баён этилган. Шу билан бирга мақоладан, судлар мустақиллигини таъминлашда амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг ҳар қандай кўриниши адолатни таъминлашга хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда бу борадаги таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Калит сўзлар: Суд, суд қарори, суд ҳокимияти, очиклик, мустақиллик, жавобгарлик, суд жараёнлари трансляцияси, жамоатчилик назорати, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик сўрови, хорижий тажриба, аудио ёзув, видео тасвир.

Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич,
Доктор философии (PhD) по юридическим наукам
E-mail: gaybullaev1983@bk.ru

**ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ НАД ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ:
СОСТОЯНИЕ, АНАЛИЗ, ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы открытости судебной власти, её подотчётности и ответственности перед обществом, а также анализируются проводимые реформы по обеспечению открытости судебной власти в Республике Узбекистан. Изложено содержание принятых в этой сфере нормативно-правовых актов, даны механизмы осуществления общественного контроля над судебной властью, проанализированы законодательные акты, регулирующие порядок осуществления такого контроля, а также выявлены их недостатки. Приводится анализ механизмов общественного контроля над судебной властью в развитых зарубежных странах, рассматриваются внедрение информационных технологий и искусственного интеллекта в данные процессы, а также позитивные и негативные стороны общественного контроля в контексте обеспечения независимости судов. Кроме того, в статье отражены мнения и предложения о том, что любая форма общественного контроля, осуществляемая в целях обеспечения независимости судов, должна способствовать обеспечению справедливости.

Ключевые слова: суд, судебное решение, судебная власть, открытость, независимость, ответственность, трансляция судебных процессов, общественный контроль, общественные слушания, общественное обсуждение, общественный опрос, зарубежный опыт, аудиозапись, видеосъёмка.

Gaibullaev Farrukh Yuldashevich,
 Doctor of Philosophy (PhD) in Law
 E-mail: gaybullaev1983@bk.ru

PUBLIC OVERSIGHT OF THE JUDICIARY: CURRENT STATE, ANALYSIS, INTERNATIONAL EXPERIENCE, AND PROSPECTS

ANNOTATION

This article explores the openness, accountability, and responsibility of the judiciary before the public. It examines the ongoing reforms aimed at ensuring judicial transparency in the Republic of Uzbekistan, analyzes relevant legislative acts adopted in this area, and discusses mechanisms for exercising public oversight over the judiciary. It further analyzes the laws regulating public oversight procedures, identifies existing shortcomings, and reviews the mechanisms of public oversight over judicial authorities in developed foreign countries. The article also considers the implementation of information technologies and artificial intelligence in these processes, and highlights both the positive and negative aspects of public oversight in ensuring judicial independence. Additionally, the article presents reflections and proposals suggesting that any form of public oversight implemented to ensure the independence of courts must ultimately serve the goal of delivering justice.

Keywords: Court, court decision, judiciary, transparency, independence, accountability, court session broadcasting, public oversight, public hearing, public discussion, public inquiry, international experience, audio recording, video recording.

Янгиланаётган Ўзбекистонда Давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий йўналишларидан бири — суд ҳокимиятининг очиқлиги, ҳисобдорлиги ва фуқаролар олдидаги жавобгарлигини таъминлашдан иборатдир.

Давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва жамоатчилик назорати остида бўлиши — фуқароларнинг адолатли суд ҳимоясига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд ислохотлари доирасида бу соҳани жамоатчилик назорати асосида такомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси табири билан айтганда “Биз одил судловга эришиш учун суд ишларини тўлиқ рақамлаштириш, инсон омилини камайтириб, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд

биносига бориб ўтиришга ҳожат қолмайди – тарафлар судда онлайн иштирок этади, судларда очиқлик, ошкоралик таъминланади. Қисқача айтганда, мамлакатимиз “рақамлашган ва адолатли суд даври” оstonасида турибди, десак, муболаға бўлмайди”[10].

Сўнгги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу асосда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг очиқ ва шаффоф механизмини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2024) қарорлари қабул қилинди.

Судлар томонидан қабул қилинган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Бугунги кунда Олий суд веб-сайтида икки миллиондан ортиқ суд қарорлари эълон қилинди.

Дарҳақиқат, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва холис ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси саналади.

Айниқса, одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борада шаффофликни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Ишларни инсон омилсиз, яъни автоматик равишда тақсимлаш, суд мажлиси жадвалининг ягона электрон базасини жорий этиш, суд қарорларини расмий веб-сайтда эълон қилиш, судга электрон мурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш каби замонавий ёндашувлар эвазига одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

Бу жараён фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ортиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу жиҳатдан, суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва ҳуқуқий таъминлаш масаласи илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Жамоатчилик назорати нафақат суд идоралари фаолиятини очиқлаштириш, балки адолатли судловга ишончни мустаҳкамлаш, коррупция хавфини камайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, жамоатчилик назорати — бу фуқароларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари фаолиятини кузатиш, баҳолаш ва таклифлар бериш орқали назорат қилиш фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида белгиланганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.[1] Демак, жамоатчилик назорати — халқнинг давлат ишларини бошқаришдаги реал иштирок шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни ушбу институтнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Қонунга кўра, жамоатчилик назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

жамоатчилик эшитувлари;

жамоатчилик муҳокамалари;
 жамоатчилик сўровлари ва мониторинглар;
 жамоатчилик экспертизаси;
 оммавий ахборот воситалари орқали кузатув ва таҳлил.[2]

Бироқ мазкур Қонун суд ва прокуратура тизимлари фаолиятини тўлиқ камраб олмагани, жамоатчилик назоратининг амалий механизмлари етарлича аниқ белгиланмагани билан тавсифланади.

Маълумки, суд тизими мустақил бўлиши шарт, аммо бу мустақиллик фуқаролар олдида ҳисобдорликни инкор этмайди. Бинобарин, суд процессларининг ошкоралиги, суд ҳужжатларининг очиқлиги, суд мажлисларида журналистлар ва фуқаролар иштирокини таъминлаш, суд қарорларининг онлайн платформаларда эълон қилиниши — жамоатчилик назоратининг асосий воситалари ҳисобланади. Бироқ амалиётда бу билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

суд жараёнларининг тўлиқ ёритилмаслиги;
 судьялар фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг чекланганлиги;
 фуқароларнинг шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш тизимидаги бюрократик тўсиқлар;

судьялар этикаси ва жавобгарлиги устидан жамоатчилик таъсирининг камлиги.

Ваҳлоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда суд органлари алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун, мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири суд органлари нуфузини кучайтириш ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш, унинг чегараси ва доирасини аниқлаш ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, масалан, АҚШ, Франция, Германия каби ривожланган давлатларда суд фаолиятининг очиқлиги жамоатчилик назоратининг муҳим қафолатларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда биргина АҚШда суд мажлислари ёзуви ва онлайн трансляциялар жамоатчилик назоратининг амалий воситасига айланган.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш, уларнинг жавобгарликка тортилиши, ваколатларининг тугатилиши ва лавозимидан озод этилиши тартибидаги туб ўзгаришлар, суд ҳокимиятининг сиёсий нейтраллигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар нафақат суд ҳокимиятининг самарадорлиги ва мустақиллигини таъминлашга, балки жамият томонидан унга бўлган ишончни тиклашга ҳам хизмат қилади.

Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари, замонавий давлатларнинг сиёсий тизимларидаги беқарорлик, рақамлашув ва ахборот жамиятининг жадал ривожланиши фуқароларнинг адолатни амалга ошириш жараёнидаги иштирок даражасини қайта кўриб чиқишга олиб келди. Бу эса фуқаролик жамияти институтлари ва айрим субъектларнинг давлат ишларини бошқаришда, жумладан суд ҳокимияти фаолияти соҳасида иштирок этишини таъминловчи самарали механизм яратилишини тақозо этади.

Бироқ янги медиа воситалари суд тизими учун ҳам имкониятлар, ҳам муаммоларни келтириб чиқармоқда. Суд мажлисларига камераларни киритиш очиқ суд жараёни принципларини амалга ошириш, адолат тизимининг ишончилигини ҳамда ҳукуматнинг легитимлигини оширишга қаратилган суд ислоҳоти сифатида баҳоланади. Сўнгги йигирма йил ичида кўплаб давлатлар матн ва видео орқали суд мажлисларини эфирга узатиш амалиётига нисбатан тобора очиқроқ муносабатни қабул қилмоқда. Бироқ суд мажлисларини трансляция қилиш ҳали ҳам тажриба босқичида бўлиб, унинг оқибатларига оид ташвишлар сақланиб қолмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, суд мажлисларида камералардан фойдаланишга оид сиёсатлар турличадир. Масалан, Германия, Франция ва Япония каби

мамлакатлар суд мажлисларининг ҳар қандай шаклда эфирга узатилишини қатъий тарзда тақиқлайди.[3]

Бразилияда эса суд жараёнлари давомида камералардан фойдаланишга тўлиқ рухсат этилган. Австралия ва Бирлашган Қироллик суд жараёнларини жамоатчиликка очиш борасида сезиларли ютуқларга эришган. 1999 йилда Австралия Федерал суди илк марта суд ҳукмининг овоз ва видео ёзувини интернет орқали жонли эфирда намойиш этган суд бўлди.

Британияда 2009 йилда Ток суди ташкил этилганидан бери бу ерда тасвирга олишга рухсат берилган, шунингдек, 2013 йилдан бошлаб Англия ва Уэльс Апелляция судининг айрим ишларида ҳам бу амалиёт жорий қилинган.[4] Ҳозирги кунда Австралия ва Британия судлари ижтимоий тармоқлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, яъни суд мажлислари ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар берилишини қонуний жиҳатдан таъминламоқда.[5]

АҚШда суд жараёнларини эфирга узатиш масаласида фаол тажриба ўтказилган. Суд жараёнларининг видео ёзуви бўйича икки тажриба (1991–1994 ва 2011–2015 йилларда) ўтказилгандан сўнг, деярли барча штатларда маълум ҳолатларда оммавий ахборот воситаларига суд мажлисларида видео камера ва микрофонлардан фойдаланишга рухсат берувчи нормалар қабул қилинган. Айрим штатларда эса суд жараёнларида камералардан фойдаланиш одатий ҳолга айланган.[6]

Хитой суд тизими очиклигини таъминлаш бўйича дунёда энг кескин ислохотларни амалга оширган мамлакатлардан бири бўлди. 2013 йилда Хитой Олий халқ суди томонидан қабул қилинган “Суд ҳужжатларини эълон қилиш бўйича вақтинчалик чора-тадбирлар”га мувофиқ, барча суд ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари (қонун билан белгиланган айрим истиснолардан ташқари) интернет орқали эълон қилиниши шарт этиб белгиланди.

Шундан сўнг, 2015 йилда Олий халқ суди мамлакатдаги барча даражадаги судларга (қонун билан тақиқланмаган ҳолларда) суд мажлисларини расмий веб-сайти орқали онлайн эфирга узатиш бўйича кўрсатма берди. Бу орқали мамлакат бўйлаб 3521 та суд фаолиятини тўлиқ қамраб олишга эришилди.

2019 йил охирига келиб, мазкур веб-сайтда 6 миллиондан ортиқ суд мажлислари видеоси (кунлик тахминан 150 та) жонли эфирда намойиш этилган бўлиб, умумий кўрувлар сони 21 миллиард нафар фойдаланувчидан ошди. Бу расмий веб-сайт ҳозирги кунда давлат фаолиятига оид дунёдаги энг йирик жонли видео платформасига айланган.

2024 йилнинг май ойида Хитой Олий халқ судида сунъий интеллект асосида ишлайдиган янги суд-ҳуқуқ платформаси намойиш қилинди. Мазкур платформа кенг қамровли, ишончли ва юқори сифатли суд-ҳуқуқий маълумотлар базаси асосида барпо этилган миллий даражадаги ҳуқуқий сунъий интеллект инфратузилмаси бўлиб, у 320 миллион дона ҳуқуқий маълумот – суд қарорлари, иш материаллари ва ҳуқуқий фикрлар – жамланган умумий базадан фойдаланади. Шунингдек, ушбу платформа катта ҳажмдаги маълумотларни бирлаштириб, фойдаланувчи талаби асосида тезкор контент яратиш қобилиятига эга, чунки у ҳуқуқий атамалар ва мантиқий фикрлашни тушуниш хусусиятига эга.

Ушбу платформа электрон қурилмалар аллақачон судьяларга ёрдам бераётган бўлса-да, ҳуқуқий материалларни текшириш ва кейсларни саралаб олишда вақт ва кучни сезиларли тежашмоқда. Платформа жуда кўп сонли электрон файллар ичидаги маълумотларни таҳлил қилиб, хотима ёки муҳим нуқталарни аниқлаб, уларни тезкор равишда илғаб олади. Бу эса суд ишларини янада самарали олиб боришни таъминлайди, судьялар учун турли ҳуқуқий маълумотларни туркумлаш, шу жумладан иш ҳажмини ортиб бораётган шароитда юкни енгиллаштириш бўйича ‘ҳуқуқий ёрдамчи’ ролини бажаради.[7]

Сўнгги ўн йил ичида Хитой судлари бир неча турли онлайн платформаларни ҳам яратди, жумладан, суд қарорларини қидириш ва суд мажлисида масофавий қатнашиш имкониятлари шулар жумласидандир. Бу онлайн платформалар ҳуқуқий жараёнларни соддалаштириб, тарафлар учун ишни кузатиб бориш ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланишда қулайроқ шароит яратишга мўлжалланган.[8]

Суд мажлисларини жамоатчиликка онлайн эфир орқали намойиш этишда суд тизими очиклигини таъминлаш бўйича жаҳонда катта ютуқларга эришилган бўлса-да, бу амалиётнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳануз давом этмоқда.

Ижобий таъсирни кўллаб-қувватловчи мутахассислар фикрига кўра, суд жараёнларининг жонли эфирда намойиш этилиши суд жараёни интизомини таъминлаш, суд адолати ва очиклигини мустаҳкамлаш, жамоатчиликнинг ахборот олиш ҳуқуқи ҳамда оммавий ахборот воситаларининг сўз эркинлигини амалга оширишга хизмат қилади.

2010–2014 йилларда АҚШда Суд жамоат ахбороти хизматлари конференцияси (Conference of Court Public Information Officers – CCPPIO) томонидан ўтказилган узоқ муддатли сўров натижаларига кўра, ҳар йили кўпроқ судлар ва судьялар ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда, суд тизими ходимларининг ярмидан кўпи ОАВга суд жараёнларини ёритиш имкони берилиши тарафдори эканини билдирган, ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлиги каби эҳтимолий этик муаммоларга оид хавотирлар нисбатан камроқ ифода этилган.

Шу билан бирга, қарши фикр билдирувчиларнинг таъкидлашича, суд мажлисларини эфирга узатиш жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиши, суд тартибини бузиши, судья ва ҳайъат аъзоларига босимни кучайтириши ҳамда иштирокчиларнинг хулқ-атвориغا таъсир қилиши мумкин.

Федерал суд марказининг (Federal Judicial Center) пилот лойиҳасида иштирок этган судьяларнинг бешдан бири ва адвокатларнинг шу миқдордаги қисми видеоёзув суд тизимига бўлган жамоат ишончини камайтириши мумкинлигидан хавотир билдирган. Бу хавотир айниқса муҳим, чунки суд мажлислари видеоларини ОАВ ва жамоатчилик қандай талқин қилиши олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайди, бу эса суд жараёнларини эфирга узатишнинг эҳтимолий ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларидан бири ҳисобланади.

Суд тизими фаолиятини жонли эфирда намойиш этиш демократик жамиятларда қонун устуворлигини амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Бу амалиёт, аввало, суд фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлайди, жамоатчиликнинг суд тизимига бўлган ишончини оширади, судьялар ва прокурорлар фаолиятида ҳисобдорлик ва масъулиятни кучайтиради [9]. Бироқ суд жараёнларини эфирга узатиш фақат ижобий оқибатлар билан чекланмайди. Бу жараён ахборот олиш ҳуқуқи билан шахсий ҳаёт дахлсизлиги ўртасидаги мураккаб ҳуқуқий мувозанатни талаб этади. Фикримизча, жонли эфир судьялар, ҳайъат аъзолари ва иштирокчиларга руҳий босим ўтказиши мумкин; суд жараёнидаги ҳар бир ҳаракат ва сўзнинг оммавий талқини баъзан ҳақиқатни бузиб кўрсатишга олиб келади; суд мажлисларида иштирок этувчи шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматиға путур етказиши эҳтимоли мавжуд.

Шу боис Европа суд амалиётида ҳам суд мажлисларини ёритишда “proportionality test” (мувозанат мезони) қўлланилади, яъни жамоатчилик манфаати ва шахсий ҳуқуқлар тўқнаш келганда, қай бири устувор эканлиги аниқ баҳоланади.

Суд фаолиятини оммавий ахборот орқали ёритишнинг кенгайиши суднинг мустақиллигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, оммавий босим остида судья жамоатчилик кайфиятига мос қарор қабул қилишга мойил бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Бу ҳолат суд ҳокимиятининг конституцион принципи — мустақиллик тамойилига зиддир. Шунинг учун юқорида қайд этилган бир қатор давлатларда (Германия, Франция, Япония) суд мажлисларини эфирга узатиш мутлақо тақиқланган ёки фақат айрим турдаги ишлар учун руҳсат этилган (масалан, фуқаролик ишлари ёки ёпиқ муҳокамаларсиз жиноят ишлари).

Ўзбекистонда суд тизимида очиклик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш – суд ислохотларининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода суд мажлисларининг онлайн ёки аудиоёзув форматда ёритилиши, суд қарорлари очик маълумотлар порталларида эълон қилиниши, судьялар фаолияти бўйича жамоатчилик фикрини инobatга олиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бироқ бу жараён суд жараёнида иштирок этувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши; суд мажлисларини эфирга узатиш фақат қонун билан белгиланган асосларда

амалга оширилиши; суд тизимининг мустақиллигига таъсир этувчи ҳар қандай ташқи босимнинг олди олиниши каби ҳуқуқий кафолатлар билан таъминланиши шарт.

Суд мажлисларини онлайн эфир орқали намойиш этиш — бу очиқлик, шаффофлик ва ишончни таъминловчи замонавий восита, бироқ у фақат ҳуқуқий чекловлар ва этик меъёрлар билан мувозанатлаштирилган ҳолда амалга оширилсагина самарали бўлади.

Бошқача айтганда, очиқликнинг хаддан ортиқ бўлиши суд мустақиллигига таҳдид, аммо ёпиқликнинг кучайиши эса жамоат ишончини йўқотиш хавфини туғдиради. Шу боис, ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизими ва ахборот маданияти даражасига мос баланслашган моделни жорий этиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Суд ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати ҳуқуқий давлат куриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада муайян ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, амалиётда янада чуқур ислохотларга эҳтиёж мавжуд. Хорижий тажриба асосида жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, айниқса, суд фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фуқароларнинг адолатли суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Constitution of the Republic of Uzbekistan) // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZURQ-474 “On Public Control” dated April 12, 2018) // <https://lex.uz/docs/3679092>
3. Code of Criminal Procedure of France (2006). Available online at: https://www.legislationline.org/download/id/6381/file/France_CPC_am2006_en.pdf (accessed June 26, 2020).; Courts Constitution Act (2019). Available online at: http://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gvg/ (accessed July 2019).
4. The New York Times (2020). TV Cameras Coming to English Criminal Courts. Available online at: <https://www.nytimes.com/2020/01/16/world/europe/cameras-british-courts.html>
5. Federal Court of Australia (2017). Social Media – Challenges for Lawyers and the Courts. Available online at: <https://www.fedcourt.gov.au/digital-law-library/judges-speeches/justice-rares/rares-j-20171020>.
6. Radio Television Digital News Association (2020). Cameras in the Court: A State-by-State Guide. Available online at: https://www.rtdna.org/content/cameras_in_court (accessed June 26, 2020).
7. China launches artificial intelligence platform to boost judicial efficiency. The Supreme People’s Court of the People’s Republic of China // <https://english.court.gov.cn>
8. Mamasiddiqov M., Islamov M. Sun’iy intellektning qo‘llanishi va afzalliklari // Huquq va burch. №4/2025. -B. 11-12.
9. Saparovna, Niyozova Salomat, et al. "Issues of Criminal Liability for Suicide." Journal of Ecohumanism 3.8 (2024): 11559-11568.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the thirty-fourth anniversary of the independence of the Republic of Uzbekistan), <https://president.uz/uz/lists/view/8440>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000